

# Ўзбекистоннинг овози

## Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 НОЯДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 183 (21. 050) 1991 йил 18 сентябрь, чоршанба

Йилга 256 марта чиқади.

Баҳаси 8 тийин.

### Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи

## Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойининг БАЁНОТИ

СССРда рўй берган давлат тўғрисида жамиятимизда вужудга келтирилган жиддий инқироз ҳамда шундан кейин сиёсий қулаётган ҳолатнинг ниҳоятда тез ўзгариши миллионларча кишилар ҳаёти ва тақдирини белгилаётган масалани ҳал этиш вазифасини олдимизга қўйилган бўлиб қўйди.

Қурултой КПССнинг бугунги аҳволи ва унинг аслида емирилганлиги тўғрисида давлат негизини ташкил этган ақидалар ва ташкилий тузилмалар бутун бир тизимнинг барбод бўлганлигини билдиради ва улар бундан кейин талитар давлат билан биргаликда ўткинчи тарихга айланадиган ҳолатни керак, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Компартияси узоқ вақт давомида КПСС таркибидан бўлиб, амалда эса партиянинг стратегик йўлини ишлаб чиқишдан четлаштириб қўйилди. Бизнинг партиямиз КПСС Марказий органларининг ҳаётидан ажралиб қолган қарорларнинг, у йўл қўйган бузилишлар, катта камчиликлар ва хатоларнинг асри бўлиб келди.

Қурултойимиз шунга таъкидлайдики, КПСС XXVIII съезди ва республика коммунистларининг XXII съезидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси КПСС Дастури ва Уставидан фарқ қилувчи ўз ҳаракат дастурига ва Уставига эга бўлиб, адлия органлари рўйхатидан ўтказилган ҳолда барча муҳим ҳаётий масалаларда аслида мустақил сийosat олиб бориши керак. Вужудга келган ҳол, КПСС Марказий Комитети раҳбариятидаги консерваторлар 19—21 августдаги тўғрисида амалда актив қўллаб-қувватлагани ва уларнинг беқарор мавқеда турганини муносабат билан илгари баён этилгандек, қурултой Ўзбекистон Коммунистик партияси КПСС таркибидан, унинг барча ташкилий тузилмаларидан чиқарилгани, марказий органлардан ўз вакилларини қақриб олганлигини эътироф этади.

Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик партия-давлат тизими шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришнинг тарихий ҳусусиятлари ва ўзига хос амалий фаолиятини эътиборга олиб, Ўзбекистон Компартияси ҳозирги ҳолатида бундан буён иш олиб бора олмаслигини англаб етди. Республика ва унинг халқининг олий манфаатларига амал қилиб, қурултой Ўзбекистон Компартияси негизда сифат ва мазмун жиҳатидан тамомла янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини тузиш зарур деб ҳисоблайди.

Қурултой тарихий воқеани — Олий Кенгашининг олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилганлигини таъкидлайди. Бу давлат ҳужжатида республика барча кишиларнинг, бутун халқимизнинг иродаси ва манфаатлари фидоаланган. Мустақилликка эришиш Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча кишиларнинг халқро ҳуқуқ ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясининг ҳамма тамонидан тан олинган қондаларга мувофиқ сиёсий, иқтисодий, шахсий эркинлик ва хавфсизлик қарорларининг вужудга келтириш учун ниҳоятда қулай имконият очиб беради.

Қурултой ўз халқига ҳалол хизмат қилган коммунистларга миннатдорчилик билдиради ва улар тараққийпарвар руҳда фикрловчи барча кишилар сингари бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг мажон жамиятида ҳам муносиб ўрин эгалловчи демократик давлат сифатида қарор топшиш ва гуллаб-яшاشи учун ҳалқ кўли иш қилдилар, деб ишонди.

Қурултой халқлар ўртасида дўстликни мустахкамлаш, ўзаро тегиш ва фойдаланиш ҳамкорлигини ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлайди.

Қурултой янги партиянинг дастурий ҳужжатларига сиёсий чиқариш ақидалар ўрнига янги мафкурага, энг яхши халқ-демократик аниқлашларга, халқнинг тарихий таърибасига, умумбашарий қадриятларга таянувчи соғлом фикр мафкураси эгаллашди, деб ҳисоблайди.

Биз ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, халқ сақлаб қолган олжани қўйишга — адолат, эътибор, тенглик, шаҳадат эркинлик, ахлоқ-одоб ва инсонпарварлик идеалларидан асло воз кетмаймиш. Бу қадриятлар абадийдир ва улар шубҳасиз янги партиянинг асосий мақсади бўлиб қолади. Партия Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллиятлар вакилларига таяниш, кишиларни миллатлараломаматага кўра ажратиб жамиятимизни парчаланиб кетиш хавфини дахл этиб қилмоғи даркор.

Қурултой янги партия Дастурига республика аҳолисининг барча табақалари томонидан тўла маъқулланган «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгилиги, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ҳаракат дастурини асос қилиб олиш мақсада мувофиқ деб ҳисоблайди.

Партия ташкили ва қонуничилик сийосатининг бош мақсади инсон учун муносиб турмуш ва меҳнат шароитини яратиш. Конституция ва қонуларга, ижтимоий адолатга қатъий риоя қилинган ҳолда ҳар бир кишининг хавф-хатарсиз

яшашини, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни, миллати, дини ва этниқодидан қатъий назар, ҳуқуқлари, эркинлиги, шани ва қадр-қимматини таъминлашдан иборат бўлмоғи керак.

Қурултой ҳисоблайдики, янги партия инсонга ўз иқтисодий ва ижтимоий турмушининг шакллари эркин танлаб олишни таъминлайдиган жамиятнинг сиёсий ва давлат қурилишига эришмоғи лозим.

Бу жамиятда бирорта мафкуранинг, бирорта дунёқарашнинг яққа ҳукмронлиги бўлмаслиги, сўз ва виждон эркинлиги ҳукмронлик қилиши, республика ҳудудидан яшовчи барча халқларнинг аниқлашлари, урф-одатлари, диний эътиқодлари, тил ва маданияти ҳурмат қилиниши лозим. Қурултой жамиятнинг маънавий янгилигини, фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг эркин ривожланиши учун барча устиворликлар яратилишининг тарафдоридир.

Бу жамиятнинг асоси барча шаклдаги мулкчиликнинг тенглигидан, кўп укладли иқтисодиётдан иборат бўлиб, халқ ҳаёти тарзи ва аниқлашларининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиёти муносабатларига аста-секин ўтилиши лозим. Бунда аҳолининг иш билан таъминлангани, аввало, аҳолининг ижтимоий аниқ қатламлари: кексалар ва болалар, кўп болали оилалар, ўқитувчилар ва талабалар, кам таъминланган ва сўқабос фуқароларнинг тирикчилигига етарли даражада истеъмол боджети учун қарор яратилиши зарур.

Бу жамиятда иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти мафкуралардан тамомла ҳоли бўлиши, мулкчиликнинг барча шакллари эркин ривожланиши, ҳўққўзқанининг бўлмаслиги ҳамда қорхоналар, ҳўжаликлар, кооперативларга, уларнинг фаолияти республика ва унинг ҳудудидан яшовчи аҳоли манфаатларини ҳўма қилишига қаратилганлигини назарда тутиб, уларнинг ишбилармонлигига эркинлик берилиши керак.

Бу жамиятнинг сиёсий ҳаётида барча фуқароларга уларнинг миллати ва ятаидан, дини ва этниқодидан, ижтимоий аҳоли ва келиб чиқишидан қатъий назар, давлат ва жамоат ишларида баб-баравар иштирок этиши учун нафолат берилади.

Жамиятимизнинг ана шундай тузилишига эришиш янги партия Дастурининг ўзига бўлмоғи лозим. Бундай мақсадга эришиш воситаси келинги пайтларда синовдан ўтиб улгурди. Бу — фуқаролар аҳолининг ва миллатлар тотувлиги, ишбилармонлигини тўла иқтисодий эркинлиги таъминланган ҳолда турмушининг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартиб ўрнатилишидир.

Қурултой бевосита ҳўққимият ва бошқариш вазифаларини ўз зиммасига оладиган барча партия тузилмаларининг тамомла истисно қилиниши тарафдоридир. Янги партия халқ ташаббусини ва ижодиётини, унинг барча намоёндаларининг иродаси ва иштилоларини муҳасамлаштирувчи парламент типидagi партия, ўзини сарфарб этувчи фаол ва бўрули ташкилот бўлиши лозим.

Қурултой тузилган ташкилий комитет ва комиссиялар ана шу умумий қондаларга амал қилиб, янги партиянинг бўлажак Дастури ва Устави лойиҳаларини, тақлиф қилинадиган ташкилий тузилма лойиҳасини тайёрлашлари зарур, деб ҳисоблайди. Улар эълон қилиниши, халқ ўртасида кенг қўлама муҳокама этилиши ва шундан кейингина таъсис қурултойида кўриб чиқилиши лозим.

Қурултой шунга қайд этадики, КПССнинг раҳбарияти унинг номидан ўнмаган сийosat келтириб чиқарган салбий оқибатлар учун Ўзбекистон Компартиясининг аъзоларини жавобгар эмаслар ва жавобгар бўлмаслигини лозим. Улар Ваган бахт-саодати йўлида ҳалол ва астойдил меҳнат қилдилар, бинобарин ўз халқлари кўзига очик юз билан дадил қарай оладилар.

Қурултой Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига мурожаат қилиб, коммунистларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳўма қилинишининг нафолатлари тўғрисида, уларнинг ижтимоий таъминлини ҳуқуқлари, халқ олдидagi хизматлари учун фахрийларга қўнуга мувофиқ белгилаган ижтимоий нафолатлар сақлаб қолиниши ҳақида, коммунистларнинг ҳуқуқлари, шани ва қадр-қиммати ҳуқуқни ҳўма қилиш идоралари томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги қўнун ҳўжжати қабул қилиниши тақлиф этади.

Қурултой янги партия тузиш зарурлигини айтиб, коммунистлар ана шу мушкул давр талаб этаётган ҳўтимиз учун зарур бўлган тадбирларни тўғри тушунадилар, матонат, вазирилиқ ва соғлом фикр эгаси эканликларини намоён қилдилар, деб ишонч билдиради.

Қурултой Ўзбекистон Республикасининг равақ топшидан астойдил манфаатдор бўлган ҳамда унинг тақдирини учун масъулиятни ўз зиммасига олишига тайёр турган барча фуқароларни тўғри йўлни олги равишда танлаб олишига, тузилаётган Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини сафларига киришига даъват этади.

## Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойининг Қ А Р О Р И

1. Фавқулодда XXIII қурултой ҳозирги даврга баҳо бериб ва вужудга келган воқеани ҳисобга олиб, Ўзбекистон Коммунистик партияси КПСС таркибидан, унинг барча ташкилий тузилмаларидан чиқди ва ўз вакилларини унинг марказий органларидан қақриб олди, деб эълон қилади.

2. Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик партия-давлат тизими шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришнинг тарихий ҳусусиятларини ва ўзига хос амалий фаолиятини эътиборга олиб, Ўзбекистон Компартияси ҳозирги ҳолатида бундан буён иш олиб бора олмаслигини англаб, республика ва унинг халқининг олий манфаатларига амал қилиб, қурултой Ўзбекистон Компартияси негизда сифат ва мазмун жиҳатидан парламент шаклидаги янги сиёсий ташкилотни — Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини тузиши зарур деб ҳисоблайди. Бу партия Ўзбекистон Компартиясининг тўла ҳуқуқли вояси деб эълон қилинсин.

3. Таъсис қурултойини қақриш юзасидан ташкилий комитет, янги партия Дастури, Устави, тайёрлаш, унинг ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиш комиссиялари ташкил этилинсин. Ташкилий комитет вилоятлар, шаҳарлар ва районларда, қишлоқлар ва посёлкаларда муваққат комитетларини тузиши, янги партиянинг тузишга оид барча ташкилотчилик ва тушултириш ишлари ана шу комитетлар орқали амалга оширилинсин.

Янги партиянинг Дастури ва Устави матбуотда эълон қилиниб, кенг муҳокама этилиб, маъқуллангандан сўнг, жойлардаги муваққат комитетлар, қурултой ташкилий комитети янги партия аъзоларини рўйхатдан ўтказиш, таъсис йиғилишларини, район, шаҳар ва вилоят конференцияларини қақриш масалаларини ҳал этишинсин.

4. Янги партия ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилиб, таъсис қурултойида унинг Дастури ва Устави қабул қилинган ҳолда барча тўла ҳуқуқли ворислик масалалари ҳал этилган ҳўзир ишлаб турган ҳамма партиявий тузилмалар сақлаб қолиниши лозим, улар нормал молия-ҳўжалик фаолиятини маромида олиб бориш ишини таъминлашлари ва таъсис қурултойини қақриш ташкилий комитетига зарур ёрдам беришлари керак.

5. Қўмунистларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳўма қилинишининг нафолатлари тўғрисида, уларнинг ижтимоий таъминлини ҳуқуқлари, халқ олдидagi хизматлари учун фахрийларга қўнуга мувофиқ белгилаган нафолатлар сақлаб қолиниши ҳақида, коммунистларнинг ҳуқуқлари, шани ва қадр-қиммати ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисида қўнун ҳўжжати қабул этиш ҳусусидаги тақлиф билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига мурожаат қилинсин.

6. Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи Баёнотининг матни маъқуллансин.

### ТАЪСИС СЪЕЗДИНИ ТАЙЁРЛАШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИ

Каримов И. А. — ташкилот комитетининг раиси	Камолов Б. С.	Расулов Д. Р.	Чекмарев В. А.
Абдуллаев Ж.	Кузнецов В. С.	Раҳимов Р.	Шамшатов Д. Н.
Абдуҳакимов Ж.	Маликов М. М.	Раҳмонов Б. С.	Шоғулмонов И. Ш.
Абдураҳмонов У. А.	Мирзаев С. Ш.	Сайдов А. Х.	Шоҳалидов Ш.
Абдурашодов П. М.	Мирзахайитов М.	Сайдов К.	Юсуфов Ф. П.
Абдурашодов А. М.	Мухаммаджонов С.	Сайдалиев С. Д.	Юсуфов Ф. П.
Азимова Р. С.	Мўминов А. Р.	Сапаров Е. Т.	Қодиров П.
Азимова М. А.	Набиев К. Ж.	Убайдуллаев А. Я.	Қодиров М.
Айдаров Р. Р.	Носиров А. Н.	Умаров А.	Қодиров М.
Алесич И. П.	Оллоназаров Ш. Н.	Усмонов С.	Ҳасанов У. Ҳ.
	Очлов А. Ж.	Усмонов С.	Ҳокимов И. Ҳ.
	Пақ В. Б.	Фозилбеков А. И.	Ҳолбоев М. Ҳ.
	Раҳимов К.	Фозилов А. И.	Ҳошимов У.
			Ҳусанов А. Г.

### ПАРТИЯ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ КОМИССИЯСИ

Иўлдошев Ш. М. — комиссия раиси	Белоголов В. В.	Мирзаев М. М.	Рўзатов М.	Шомиров Э.
Абдуваҳидов А. А.	Бердиев Ҳ. Э.	Кузнецов Ш. Р.	Сафаров Р. А.	Юсуфов К.
Абдуваҳидов А. А.	Жалилов Ш. И.	Норов Н.	Сигидев В. Н.	Юсуфов Э.
Абдуваҳидов Ж. А.	Захриддинов Ф. З.	Носиров П. Ҳ.	Собиров М.	Юсуфов Н. Р.
Абдурашодов Х. М.	Зиёнов Ш. С.	Олейник А. Н.	Тожиёв А. Ҳ.	Қўноров Т.
Абдурашодов Ж. А.	Икромов А. И.	Оллонов У. З.	Турдалиев Б. Т.	Ҳўломмажидов А.
Айдаров А. А.	Искандаров С. И.	Переведенцева Л. В.	Турдалиев Б. Т.	Ҳўломов С. С.
Алламуродов Б. А.	Ишмаева С. С.	Потапов А. А.	Фозилов Ф.	Ҳўломов С. С.
	Кегабеева Г. Ш.	Пшеничников В. Н.	Фозилхўжаев Қ. Ф.	Ҳакимова Р.
	Маликов Ф. Л.	Ражабов Р. Р.	Хайдаров Т. П.	Ҳолмираев Қ. Ҳ.
	Маҳмудов А.	Раҳмонов Р.	Хўшев И.	Ҳамидов Б. С.

### ПАРТИЯ УСТАВИ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ КОМИССИЯСИ

Маҳмудова Ш. Н. — комиссия раиси	Алимов Т. А.	Маликов М. М.	Насиёта В. И.	Шоҳалидов Ш.
Абдуллаев К.	Горностаев А. В.	Маматов А. Ж.	Пирназаров З.	Қаюмов П.
Алесич И. П.	Зайцев Г. В.	Маматова Р.	Раҳмонов З.	Қўлмуратов С.
Алиев Б. Қ.	Зокиров У. О.	Миррақубов Т. М.	Сажиев Ю. М.	Ҳанимов А. Ф.
	Исмаилов Ҳ. О.	Носиров А. Н.	Турсунов Э. Т.	Ҳайитов Р. О.
	Искандаров М. И.	Норалиев Ж.	Умаров А. Н.	Ҳакимов Б. Ж.
	Едгоров Д. С.	Пармонов О. Д.	Усмонов С.	Худойберганаов Р. М.
	Едгубов Н. Н.	Париева Г. С.	Чекмарев В. А.	Хўсамбоев Б. Д.
	Кочмарик И. А.			

### ПАРТИЯ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КОМИССИЯСИ

Расулов М. М. — комиссия раиси	Асепков Ю. А.	Икромов М. Б.	Низомов Ш. Ҳ.	Сўйинатов И.
Абдуллаев О. Н.	Аширбеков У.	Иноғомов Э. Р.	Оллоназаров Ш. Н.	Қодиров Ш. М.
	Ботиров Ф. Р.	Исмаилова Н. Ю.	Сайдов Қ. Б.	Қўйлиев Т.
	Галкин Ю. К.	Исмаилов О. Ж.	Сиддиқов Ж.	Қўбонов А.
	Григорян Г. А.	Колпаков К. Г.		

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИ ҲАМДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСINI ПАРТИЯДАН ҲОЛИ ЭТИШ Тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi давлат ҳўққимияти ва бошқарув идоралари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, ҳўнар-техника билим юрталари ва умумтаълим мактаблари партиядан ҳўли этилинсин.  
2. Белгилаб қўйилсинки, республика давлат аппарати идораларида ва халқ таълими системасида сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига бундан буён пайтдан бошлаб кўчга кийилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри, 1991 йил 17 сентябрь.

### БАЁНОТ ВА ҚАРОРЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ КОМИССИЯ

Абдултошев Ч. А.	Еқубов Р.	Маҳмудова Ш. Н.	Раҳмонов Р.	Қозоқбоев Э. Н.
Евтеев А. И.	Исамухамедов Ҳ. О.	Нурматов Б. Т.	Салоҳитдинов М.	Юсуфов К.
Ефимов А. С.	Каримов М.	Пақ В. Б.	Соляхов А. М.	Шамшатов Д. Н.
Едгоров Д. С.	Мамарасулов С.	Париева Г. С.	Усмонов С.	Ҳошимов У.
				Ҳотамов Н.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

**УРТОҚ Ш. Н. МАҲМУДОВНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TASHKIILASH VAZIRI ETIB TAYINLASH TUGRISIDA**



Уртоқ Шахло Насимовна Маҳмудова Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони билан таъинланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони билан таъинланди.

1948 йилда Тошкент вилоятининг Пискент районига тутилган. Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент тўқимачилик ва энгил санонат олий илмгоҳини тугаллаган.

1991 йил, 16 сентябрь.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

**УРТОҚ З. АЛМАТОВНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRI ETIB TAYINLASH TUGRISIDA**



Уртоқ Зокиржон Алматов Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони билан таъинланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони билан таъинланди.

1991 йил, 16 сентябрь.

**Зокиржон АЛМАТОВ**

Меҳнат фаолиятини 1967 йилда «Ташавтомаш» заводига йиғувчи-слесаридан бошлаган, Совет Армияси сафларида хизмат қилган.

1971 йилдан буён ички ишлар органларида ўрта ва катта бошлиқлар таркибидан турли лавозимларда хизмат қилиб келмоқда, Тошкент район ички ишлар комитети ички ишлар бўлимининг бошлиғи, Тошкент вилоят ички ишлар комитети ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, республика Ички ишлар вазирлиги жиноятқидирув бошқармаси бошлиғи бўлган. 1990 йилдан буён Тошкент вилоят ички ишлар комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.

1949 йилда Тошкент шаҳрида тутилган. Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент давлат дорилфунун ҳўқуқшунослик факультетини 1976 йилда тамомлаган.

**ЎЗБЕКISTON PREZIDENTI POKISTONGA TAKLIF ETILDI**

Исломолов, 16 сентябрь. (ТАСС мухбири Николай Семенов). Бош Вазир Навош Шариф Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовни Покистонга таъриф буюришига тақлиф этади. «Ньюс» газетаси хабардор манбаларга таяниб бугун шу ҳақда хабар қилди.

Навош Шарифнинг Ислам Каримовга шахсий мактубида Ўзбекистон Президентининг Покистонга таърифни ички мамлакат қардош халқлари ўртасидаги алоқаларни мустахкамлашга кўмаклашди, деб таъкидланади. Покистон билан Ўзбекистонни мустахкам маданий, тарихий ва диний алоқалар боғлаб турибди, дейилади мактубда.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» МУШТАРИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Кеча «Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририяти меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи аниқлаш муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари қурултойда қабул этилган ҳўжжатлар руҳидан келиб чиқиб, рўзнома макомини ва унинг муассис ташкилотини ўзгартиришига қарор қилдилар.

Шунга кўра, «Ўзбекистон овози» бугундан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг кундалик ижтимоий-сиёсий рўзномаси сифатида нашр этила бошлади. Бундан буён «Ўзбекистон овози» рўзномасининг муассис муҳарририят журналистлар жамоасидир.

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

- Иқтисодий алоқаларни шартнома асосида давом эттириш тўғриси бўлади.
• Санотимизни тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига буриш лозим.
• Меҳнатсевар ва тинчликсевар халқимиз, барча миллатлар ҳамкорлиги — мустақиллик гаровидир.

Улар чиқарадиган санот молларининг ҳаёми ва хили республика ҳукумати билан келишмайди. Бунда улар халқимизнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмайдилар. 50 фоз маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналар Иттифоқ ва республикага қараша ҳам бироқ режалаштириш асосан юқоридан бўлади. Демак, ўн фозгина ерли санот маҳсулотини республика ҳукумати мустақил режалаштирадиган ҳолос.

Қишлоқ хўжалигида яхши натижа бераётган корхоналарни, хўжаликларни сақлаб қолиб, ночорларини эса деҳқонларга ижарага бўлиб берилса, уларнинг манфаатдорликлари ошиб, ҳосилдорлик ҳам кўпаяр эди. Мен ақинда Хитой Халқ Республикасида бўлганимда, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишнинг ана шу тахлит йўлга қўйилганлиги яхши натижа берганига ишонч ҳосил қилдим.

Савдо соҳасида ҳам катта дўноқлар, уни-вермаглари давлат ихтиёрида сақлаб, ўртача ва кичик дўноқларни уddbўрон қишларга сотилса, иқимиз анча ривожланади, деб ўйлайман. Шунингдек, аҳолига машийн хизмат кўрсатувчи корхоналарни ҳам хусусий мулк қилиб топширилса, хизмат соҳасининг иши ҳам яхшиланади шубҳасиздир. Халқимизда: «Узинг учун ўл етм» деган дово мақол бор. Эеро, ҳозирги вақтда барча давлат корхоналаридаги ишловчиларни аў ишига масъулият билан қараб, жон куйдириб ишлайди, деб айта олаймиш. Шу боис ҳам кўп жойларда иш унумдорлиги анча пастдир.

ШУНИ алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатни идора қилиш жуда муҳим ва бунда анча қийинчиликларни бошдан кечиршимиз ҳам тайиндир. Чунки марказий Иттифоқ ташкилотларининг нотўғри иш олиб бориши натижада халқ хўжалигимиз жуда кўп азобларни бошдан кечирмоқда. Мисол учун, санотни олайлик. 73 йил ичиде республикалардаги санот корхоналари унумли ишлаш учун фойдаси катта, деб фақат ихтисослаштириш йўлидан борди. Оқибатда барча корхоналар бир-бири билан чамбарчас боғланиб қолди. Масалан, биргина Тошкент трактор заводи мамлакатнинг кўп жойларидаги ўнлаб корхоналар билан алоқа боғлаб, аҳолида деталларни улардан оларди. Барча республикалар, ҳудудларда мустақиллик эълон қилиниб, ҳамма ўз ихтиёрини ўз қўлига олиб, корхоналарга ҳам мустақил фаолият кўрсатиш йўли очилди-ю, аммо Узаро иқтисодий алоқалар бутунлай узилди қолди. Мана энди Тошкент трактор заводи Владимир трактор заводи моторларни, бошқа корхоналар полиетилеи, гилдранк резинасини юбормапти. Шартнома-лар кўпол тарзда бузилмоқда. Оқибатда завод шу йилнинг атиги 7 ой ичиде бир неча юз тракторни ишлаб чиқара олмайди. Бу билан халқ хўжалигига анча зиён етди. Еки мебель ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг фаолиятини олайлик. Айрим жойларда уларнинг иши мутлақо тўхтаб қолди. Чунки ёғоч етказиб бериувчи корхоналар (айниқса РСФСРдагилари) нархларни кескин ошириб, ҳамма мебель ўрнормай қўйдилар. Натижада мебель тақчиллиги юзага келяпти. Умуман, енгил санот корхоналарида аҳвол ана шундай. Бунинг натижасида республика санотининг ўсиш суръатлари пасайиб борапти. Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шунки, олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири қандай тарзда тиклашдан иборатдир. Шу билан бирга ҳозирги кунда, айниқса, давлат ва меҳнат интизомини йўлга қўйиб, корхоналаримизнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланишимиз зарур. Чунки баъзи корхоналарда ҳар хил сабаблар (ишчи кучи, ёқилғи етишмаслиги, ремонт ва бошқалар) туфайли иш суст кетмоқда. Бу камчиликларни йўқотиш учун эса ҳар бир йирик корхонага аниқ-равшан, амалий ёрдам беришимиз зарур.

Бундан бўён ҳам ишбилармонларга суяниб, лашабубскор мутахассислар билан бирлашиб, масалаларни ўз вақтида ҳал қилиб турсак, иқтисодийетимиз, албатта, тез суръатлар билан қўтарилишига ишоним қомил.

Чинакам иқтисодий ва сиёсий мустақилликнинг таъминлай олсан, бугунги кўнлаб қийинчиликларни енгилса ва тез орада халқимиз турмушини ҳам анча яхшилашга эришамиз.

Бизда аҳоли сонга тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Демак, ишчи кучи ҳам етарли бўлади. Энг аввалги вазифаларимиздан бири республикамизнинг жуда катта ер ости ва ер усти бойликларидан тўғри, оқилона фойдаланиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини тез суръатлар билан устиришдир. Бунинг учун ҳаммамиз аҳил бўлиб, гина-қудуратларни мутлақо унутиб, бир-биримизга ёрдам бериб, жондидимиз билан ҳалол меҳнат қилсан, ҳар соҳада адолат билан иш олиб борсан, албатта, мустақил республикамизнинг равнақ топишига муваффақ бўламиз. Ажойиб, меҳнатсевар ва тинчликсевар ўзбек халқининг саяёи-ҳаракатлари, жумҳуриятимизда яшовчи барча халқлар билан таркиб топган ҳамкорлик, дўстлик бунга ҳақиқий гаров бўла олади. Шoir айтганидек, елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин, ўзбекининг ўз урғин эканлиги рост бўлсин!

Суверен республикалар хориждаги мамлакатга озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ иستهъмоли моллари етказиб беришда шартномалар ва битимлар тузишга алоқадор барча муаммоларни биргалашда ҳал қилдилар ҳамда СССР Халқ хўжалигини оператив бошқариш комитетига улар номидан иш олиб бериш ваколатини берадилар. Давлат кенгаши аъзолари озиқ-овқат маҳсулотлари танглиги чуқурлаштиришга йўл кўймаслик ва умумий кучгайрат сарфлаб, иستهъмол бозорини нормаллаштиришга интилаганликларини яқдиллик билан изҳор қилдилар.

Саидқарим ЗИЁДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

ИСТИҚВОЛГА ҚАДАМ



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Курт Вальдхайм 1972 йилда Ўзбекистонга дўстлик ташрифи билан келган эди.

Фига зибёт пайти. Чапдан иккинчи К. Вальдхайм ва учинчи — ўша вақтда республика Вазирлиги Кенгаши муюмини, Давлат режа қўмитаси раиси бўлиб ишлаган С. Зибдуллаев.

қўмитасининг руҳсати билан қурилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ҳар қандай маҳсулотни (биргина пахтагани эмас) қанча тайёрлаш, қанча ерга анча юқоридан режалаштирилади. Шунлар натижасида республикамиз жон бошига санот маҳсулотини ишлаб чиқаришда Иттифоқдан икки баравар орақда қолди. Ўзбекистон асосан ҳам ашё базасига айланди. Қишлоқ хўжалигида эса пахта я-каҳокимлиги ҳукм сурди.

КЕИНИГИ қайта қуриш даврида бу тартиб-қондалар анча кескин ўзгариб, республикаларнинг ҳуқуқлари ошди. Ўзбекистонда, айниқса, кейинги икки йил ичиде анча яхши ишлар қилинмоқда. Деҳқонларнинг томорқалари кўпайтириб берилди, пахта ерлари қамайтирилиб, озиқ-овқат эканлари экиш кўпайди, чорвачиликни жондан-туртиш учун аҳолига озуқа берилди бошланди. Кунжара ва шелхуани асосан четга сотиш барҳам топиб, у энди деҳқонларга сотилмоқда. Аҳолига иморат қилиш учун қурилиш материаллари сотиш ва банкдан сўда бериш йўлга қўйила бошлади, пенсионерларга, кўп болали оилаларга, студентларга, мактаб ўқувчиларига анча-мунча ёрдам кўрсатилмоқда ва бошқалар.

Урта Осие республикалари ва Қозогистон билан иқтисодий алоқаларимизни янада кучайтириш эса жуда истиқболдир. Мен ёшли чоғимда бозор кунлари Тошкентга Қозогистон ва Қирғизистондан жуда кўп қорамол, қўйлар келтириб сотишларини яхши эслайм. Мол олиб келувчилар молларини сотишга, ўзаларига кераклик мева-чева ва бошқа хил моллар олиб кетишарди. Мана шундай ишлар бозор иқтисодийетига ўтилаётган шароитда айниқса кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Урта Осие республикалари ва Қозогистон делегацияларининг учрашувида ҳам бу масалаларга аҳамият берилгани нур устига аъло нур бўлди.

1991—1992 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини нормаллаштириш ва аграр снесат тўғрисида давлат кенгашининг

БАЁНОТИ

СССР Давлат кенгаши суверен давлатларга иستهъмол бозорига юзага келган ишларнинг аҳолини ва қишлоқда аграр муносабатларни қайта қуриш қандай бораётганини муҳокама қилиб, республикалар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари деҳқон амалда ерининг, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ўзи етиштирган маҳсулотнинг эгаси бўлиш учун ҳам-

ма ишларни қилишлари керак, деган умумий фикрини билдирди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган ва қишлоқ хўжалиги билан санот ўртасида теппа-тег маҳсулот айирбошланиши таъминлайдиган бозор воситаларини иш-қон солиш мақсадида зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Иттифоқ ва республика идо-

зист ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур, деган хулоса чиқарилди. Сентябрь ойида республикаларо тегишли битим тузилиши назарда тутилди.

Юзага келган республикаларо хўжалик алоқаларини яқин вақт ичиде сақлаб туриш зарур, деб топилди. Республикаларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган мўайин эҳтиёжга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига берилган кредитларнинг умумий миқдорини улар ўртасида тақсимлашнинг асосий қондаларини келишиб олиш зарурлиги тўғрисида аҳдлашга эришилди.

қишлоқларни етарли иссиқлик билан таъминлаш йўлидаги бошқа муҳим ишларга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг бош конструкторлик бўлимининг қатор мутахассислари ва лойиҳачилари бундай хайрли ишларга баҳоли қудрат меҳнат сарфлашяпти. Турли хилдаги объектларнинг мураккаб лойиҳалари ўз вақтида сифатли бажарилиши учун жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, бош конструкторлик бўлимининг мундариблиги Пулат Олимжонов ва Абдувоҳид Ёқубовлар пойтахтнинг Фарҳод кўчасидаги иссиқлик тармоқларини пухта реконструкциялаш лойиҳасини ўз вақтида мунама-мал тайёрлаганликлари туфайли бу борадаги ишлар яхши патижага берапти. Бундан ташқари улар кейинги пайтларда бир қанча иссиқлик ишлаб чиқариш объектларидаги қатор ишларни механика-автоматлаш бўйича ҳам лойиҳа-конструкторлик ишланмаларини муддатидан олдин

поёнига етказишди. Улар орасида Сирдарё, Тахтакош иссиқлик электр станцияларидеги, Қўйи Бўзсув гидроэлектростанцияси ва бошқа электр ҳамда иссиқлик корхоналари тармоқлари буюртмаси бўйича бажаришга ишлар унинг яхши самарасини берди. Ишлаб чиқариш корхонасининг бошқа мутахассислари ҳам шу йўсида иш олиб бориб, хайрли ишларни бажаришга ҳисса қўшишди.

«Узнергоналадна» бу йил ўзи таваллуд топган куннинг чорак асрилик тўйини ишонч-арофасида турибди. Демак, унинг захматнаш жамоаси шу табиғат санани ёруғ юз билан кутиб олшга астойдил бел боғлаган.

Ю. ШАФЕРОВ.


КИШ-СИНОВ ДАВРИ

Мана, куз ҳам келди. Ҳа демай унинг орасидан аёв-ли кунлар экин қириши турган гап. Хўп, шундай экан, республикада пойтахтда унга тайёрларли ишлари қандай борапти? Демак, кун тарти-биде Тошкент меҳнатнаш-лари хонадонларини, корхона-лар ҳамда муассасаларини шун фаёлида ҳам етарли ис-сиқлик билан мумкин қадар тўла ва узлуқсиз таъминлаш масаласи жиддий вазифалардан ҳисобланади. Бу борада жумҳурият энергетика ва электрлаштириш вазирлиги-га қарашли «Узнергоналадна» ишлаб чиқариш бирлаш-маси корхонасининг мутахас-сислилари ҳам мазкур ишга кўпроқ ҳисса қўшиш йўлида ҳар қачонгидан ҳам фаолият кўрсатишяпти.

ШАҲАР МАВЗУИДА

кўчаларида ва бошқа қатор масканларда иссиқлик таъ-минотини 30 даж 200 фозга-гача кўпайтиришга кўмакла-шувчи қатор ишлар бундан билан амалга ошириляпти. Бу эса шаҳарликлар уларнинг иш зарур иссиқлик билан таъминлаш борасидаги му-ҳим ишга қўшилдиған кат-та ҳисса бўлади. «Узнергоналадна» ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси жумҳуриятдаги шаҳар ва

шаҳарнинг энг зарур жойла-рида қизил иш олиб бори-лаётган. Жумладан, Аҳмад Доиш кўчасида, Високо-вольный уй-жой мавзенида, Индустриал ва Володарский



«Узнергоналадна» ишлаб чиқариш корхонаси мутахас-сислари Тошкент шаҳри аҳо-лиснинг киш фаёлида ишончли

бўлими мутахассислари Ш. Олимжонов ва О. Ёқубовлар иш устида.

Ўзбекистон

ОВОЗИГА ЭЗИЛДИНГИЗМИ?

МЕН УЧУН АРДОҚЛИ

Бир неча йиллардан буюн «Ўзбекистон овози» рўзно-масига мунтазам обуна бўлиб келаман. Рўзноамани ҳар бир сонини қузатиб боришга ҳаракат қиламан. Наздимда у мен учун яхши маслаҳатчи, дено суҳбатдош. Ундан рес-публикамиз ҳаёти, Иттифоқ миқёсидаги янгиликлар, хо-риждаги воқеа-ҳодисалар ҳу-сусида биллиб бораман. Шунинг учун келгуси йил учун рўзномага обуна бошланган неэлариб ёзилдим.

Рўзнома жамоаси эриша-ётган бу ютуқлар яхши ал-батта. Лекин муҳарриратдан меъ муштарий сифатида кел-гуси йилда янада янгича иш-жоат билан ишлашларни, ўқинишли, халқнинг дилида-ги ўй-фикрлар баён қилин-ган мақодалар беришни, шу кунинг муаммоларини ил-горлик билан ҳал этаётган жамоаларнинг тажрибаларини «малаштиришда янада из-илдик кўрсатишни истардим.

Халқимиз бой маданий ме-роста, унутилмас қадриятлар-га эга. Рўзнома саҳифалари-да ана шундай муқаддас урф-одатларимиз ҳусусида кўпроқ ўқисак, шарҳона ахлоқ-одо-бни ёшларимиз онгига янада чуқурроқ синдиришга хизмат қилувчи материаллар берил-са нур устига аъло нур бўлур эди.

Сонбжон КўПАСОВ, Фаргона вилояти, Кирпо райони.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Жамоа хўжалигимиз аъзо-лари сеvimд рўзноамизнинг «Ўзбекистон овози» деб номланганлиги билан му-ҳарриратни чин қалбдан табриқлайдлар. «Ўзбеки-стон овози» миллионлаб деҳ-қон ва «орвандларнинг ҳам кўндалик ҳамроҳи, уларнинг ўй фикрлари, оруз-ҳавасла-рини акс эттирувчи кўзгу бў-либ қолишига ишонамиз. Хўжалигимизда бу йил 758 гектар майдондаги пахтаги машиналарда териб олишга аҳд қилдик. Терим техникаси мавсумга шай қилиб қўйил-ди. Бу кунларда гўза бар-гини тўктириш жадал олиб бориляпти. Жамоа хўжалиги бошқаруви пахта йиғим-тери-ми илгорларини «Ўзбекистон овози»га хўжалик ҳисобидан обуна қилдиришга қарор қил-ди. Шунингдек хўжалиги-мизнинг барча аъзолари ҳам «Ўзбекистон овози»га обуна бўлмоқдалар.

Оловуддин САТТОРОВ, Фаргона районидеги Ленин номида жамоа хўжалиги бош-қаруви раиси.

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК КАДРДОНИМ

Ниҳоят, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Юрт-дошларимизнинг кўп йил-лик орузи рўбга чикди. Эл қатори бундан мен ҳам хур-саидман. Севимли рўзнома-миз «Совет Ўзбекистони»-нинг номи «Ўзбекистон ово-зи» деб ўзгартирилгани ҳам нур устига нур бўлди. Энди унинг янада жанговар, ҳа-қиқаттўй, таъсирчан, камчи-лик ва нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлишига ишона-миз.

Икки кам саксон ёшга кирдим. Саккиз ўғил-қизим, ўн беш набирам бор. Сир-дарё дарёси яқинида Бўл-тай қишлоғида дунёга келган эканман. Отам Укибой бой-лар қўлида ишлаган, инқи-лобдан аввал Сирдарёдан чўлга канал очинида ишти-рок этган. Шу бондан ўзимни Мирваҳудини ўзла-штирувчиларнинг дастлаби авлодига мансуб деб ҳисоб-лайман. Ўн етти ёшимдан буюн давлат хизматидаман. Оддий деҳқонликдан район партия комитетининг бири-чи котиблигигача бўлган ҳа-ёт йўлини босиб ўтдим.

Узоқ йиллар чўлдаги 17-соҳовга директорлик қилиб, шу ердан пенсияга чикдим. «Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Ўзбекистони») рўзно-масини 1940 йилдан буюн му-нтазам ўқиб келаман. Ҳар йили бичиричлардан бўлиб обуна бўламан. Рўзноаманиг Маъруф Назаров каби му-ҳбирлари биродарларим бў-лишган, улар чуқуварлар-нинг ишчиин ҳаётини кенг бритаган.

Шу кунларда, биз, чўл ки-шиларининг доимий «Ўзбеки-стон овози» рўзноамасига обуна давом этмоқда. Мен ўзим-нинг 50 йиллик қадрониим бўлган бу рўзномага обуна бўламан ҳамда барча сир-дарёлик биродарларимни ун-га яқдидлик.

Қўнжек УКИБОВ, Социалистик Меҳнат Қа-ҳармони.



Ёшлар ижодидан
ЎЗБЕКОНА

Қизчангиз сиз томон чопқиллаб келса, Эмаклар интилса сизга ўғлингиз, Қўчоғингиз бирдан очилиб кетса...

МАҲОЛНИНГ ОҚИВАТИ

«Тош билан урганиш ўр сен ош билан» — Минг йил таълим берди менга бу мақол. Минг йилки, ким урса мен тош билан...

Музаффар АХМАД



Сумбула кўёши ҳам киши қалбига илқилик, ором бахш этади. С. Велычкин олган сурат. (ЎЗТАГ).

СПОРТ

КУМУШ СОВРИНДОРЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ ёшлар олимпиядасида муваффақиятларга эришди. Улар Волга дарёси бўйлаб ўтказилган куч синчилди. Улар Волга дарёси бўйлаб ўтказилган куч синчилди...

таассурот қолдирди. Айниқса Оксананинг таълим сакрада фахрли иккинчи ўринни эгаллаши мухлисларини мамнун этди...

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР

БУ САФАРГА БҲАХЛАР Брюссел шаҳрида ўтказилди. Маълумки, Ўзбекистонлик спортчилар яқинда Германияда давом этган халқаро мусобақада маҳорат кўрсатилган эди...

ХРОНИКА


Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 120-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ўрқот Сарвар Олимжоннинг Азимов Ўзбекистон Республикаси таъшиқ ишлари вазирлигидан озод қилинди.

Ўрқот Вячеслав Мухторович Камолов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлари вазирлигидан озод этилди.

ЯХШИ ДАМ-МЕХНАТГА ҲАМДАМ

Ўлкамиз табияти ўзгача. Сувларнинг тиниқ тортиши, атрофнинг сокинлиги, дов-дароҳларнинг олтин тус олаётгани ҳақиқий сумбула ойларини эслатади...

Суратқаш Т. ҲАМРОҚУЛОВ.



Ўқитувчилар ҳақида ҳикоялар

ҚАЛБИ НУРГА ЛИММО-ЛИМ

АСАКАЛИК ИСТЕЪДОДЛИ МУАЛЛИМА, КРУПСКАЯ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ ҲОДИСАХОН ОЛИМОВА СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Ҳодиса опа ишнинг кўзини билади. Ўзини қийнамайди, ўқувчиларини ҳам. Ҳар доим янгиликка интилади. Бизда бирон тадбир бўлса дарров Ҳодиса опани гапирмиз...

Опанинг мактабига кириб дарсларида қатнашиб кўриниб, ўқувчиларнинг қанчалик тиниқ фикрлашларини сезасиз. Олдин қиллоқ мактабда шунчалик натижаларга эришайотганидан ҳайратланасиз.

Ешларга унутилди бораётган ўрф-одатларимизни мукамалроқ ўргатиш, тарбиялаш, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини ривожлантириш ҳусусида жуда кўп фикрлар, мулоҳазалар билдирилди. Аммо натижа ҳақида камроқ эшитамиз.

Бу дарсада ҳамма фикрлайди, ҳамма ўз мулоҳазасини ўртоқлашади, фахрийлик, намунали хонадонлар соҳиблари, халқ йиғинлари дастурхончилари ва бошқалар ўқувчиларга ҳаёт тўғрисида сўзлаб берадилар. Болаларнинг саволларига ўз ҳаёт тажрибалари асосида жавоб қайтардилар. Ўқувлар, намунали хонадонлар соҳибларининг оилавий бахт ҳақидаги фикрларини ўзларидан эшитишди. Тўйда, азда ва бошқа маросимларда одам ўзини қандай тутуши керак ва нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш лозим? Бу ҳақда ҳам ўқувчи муфассал тасаввур олади. Хуллас, бу ҳаёт дарси.

— Биламан, энг биринчи саволингиз «Байналмиал» ҳақида шундай эмасми? — Тўғри топдингиз. — Ҳозирги вақтда «Байналмиал» ҳақида гапирши, уни қуйлаш кимларгадир «қизиқ» бўлиб туялиши мумкин. Яна кимлар учун

нинг бор-йўқлиги ҳам барибир. Эйтиқод ўзи нима? Бир нарсасига кўр-қурона ишониб, унга умр бўйи сингишимиз? Йўқ, менимча, ўзгирганингизни англаш, энг аэгу ниятлар, ҳислар ифодасидир.

Кўп олий анжуманларда, ҳатто партия сездлариди, конференцияларда «Байналмиал» таъбир ҳолатда — филология орқали «қуйлаш» бўлиши деган гап. Шу эмасмики сохта эътиқоднинг бир кўриниши? 9-синфнинг бошларида Пария Коммунаси ҳақида дарс ўтатмиз, кўпчилик ўқувчилар учун бу ҳам оддий дарс. Лекин мени учун ҳам, ўқувчиларим учун ҳам бу дарс қадрли. Пария Коммунаси ҳақида ўнб бўладики? Ўқувчилар билан «Байналмиал»ни ёндаймиз. Баъзан-баъзанда куйлаб ҳам тураман. Шу пайтда ўқувчиларимни бир кўриниб. Чин дилдан жўшиб куйлашди.

Муллатлараро муносабатлар кун сайн чигаллашиб бораётган бугунги кунимизда болаларга байналмиалчилик руҳини синдириб бериш, ўзга халқлар тарихи, маданияти, ўрф-одати ҳақида тўлиқ тушунча бериш менимча жуда муҳим.

Тарих реал ҳақиқат бўлмоғи зарур. Менимча, ҳозирги шароитда ўқувчиларга тарихдан дарс беришдан оғирроқ вазифа йўқ. Мисол учун Ўзбекистон тарихини олайлик. Қани мукамал дарслик? Бу борада «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида ҳаморнинг устоз олим, профессор Рустам Шамсутдинов кўтарган муаммо айна мудоао бўлди.

Турли рўзнома ва ойномаларда эълон қилинаётган тарихимизга оид илмий, адабий-бадний ва бошқа мавзулардаги мақолалар, асарлар асосида дарс ўтишга ҳаракат қилишган. Албатта дарслик

ёки мақоаларнинг ўзи билан ўқувчини қониқтириш қийин. Айниқса бугунги кунимизда.

Яқинда ойномаларнинг бирида ўқигандим — Японияда ўқувчиларга санъат, адабиёт тўғрисида ниҳоятда чўқур билим беришга ҳаракат қилинган экан. Жумладан, тасвирий санъат дарсларининг фақат музейларда, суратлар кўргазмаларида ўтказилиши менга таъсир қилди. Ҳўп, ҳатто бунинг имконияти йўқми?

— Албатта, агар устозингиз ҳақиқий мураббий бўлса у сизни ўзидан маҳоратлироқ қилмагунча тинчмайди. Отам Мукаррамжон Олимов руҳи олдида ҳаминча тэъзимданман. Мен отамдан эътиқодли инсонни ҳали учратганимча йўқ. Ҳар кунни эрталаб унинг номи билан атала бошлаган мактабга ишга келар эканман унинг нурли сиймоси ҳўқ олдимга келаверди-келаверди... Биз етти фразанд отамизнинг тўғри, андак қаттиққўллик ва меҳрга қоришқиб тарбияли туфайлигига шундай даражаларга эришдик.

Онамиз — олдин қиллоқ аёлидаги фидоийлик, ростқўйлик ва бошқа хислатлар бизни фақат тўғри йўлдан етаклади... Ҳошимжон ака Ҳозиев мени тарих оламига етаклаган. Таъриблик, ўз касбини санъат даражасига кўтарган бу инсондан бир умр миннатдорман.

Депутатлик фаолиятимда ҳали мактаб оладиган даражада иш қиладиганми йўқ. Фақатгина жамоа ҳўжалиги раисининг ёрдами билан мактабимиз атрофида жойлашган Дўрмон маҳалласи йўлларини асфальтлаштиришда ёрдамлашдим. Яна бир муҳим иш — аҳоли талабига кўра Асака йўлига қишлоқда каттароқ бекат қуриш ҳусусида ҳам вилоят марказига қатнашган. Бун

дай ишларни битказиш учун кўп қатнаш зарурга ўхшайди.

Мактаб жамоаси ниҳоятда тотув. Бундай жойда ишлаган сайн ишлагинг келадди. Ахир ютуғиндан қувонадиган, ташвишнингга доим шерик бўладиган бебаҳо жамоадан, ҳамкасблардан ажралиб бўладими?

Кўз тегмасин, оила тўғрисида ташвишим йўқ. Турмуш ўртоғим — Ироҳимжон Жалилов анчайин «амалдор» бўлсалар ҳам ҳар бир ишда яқин кўмақчим. Нозила қизим ва ўғлим Санжарбек камолига у киши доим омон бўлсин.

Машҳур публицист В. Овечкин ва яқин бир йора бор: «Нур сочмоқ истасангиз луовулал». Истеъдодли муаллима, Н. Крупская номидаги Бутуниттифоқ мукофоти совриндори Ҳодисахон Олимова ҳам ўқувчиларга нур сочмоқ ишқидида кунда бир луовуллаётган инсонлардан бири. Сиз юқориди Ҳодисахон Олимова иш фаолиятига, ҳаётига таалуқли африм фикрлар, қайдилар билан танишингиз.

Одамни макташ осон, қачонки у мактовга лойиқ бўлса. Ҳодисахон ишлаган мактабга йўл олар чоғимиз у ҳақда айтаётган фикрларнинг фақат мактовлар эканлиги бироз эсанси қолтирди ҳам. Аммо бу аёл ишлари билан танишиб, жамоа фикрини ўрганиш ва ниҳоят унинг ўзи билан бўлган мулоқот мобайнида айтилган мактовларнинг нечоғли ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Сўнгги сўз: Ҳодисахон Олимованинг манзилгоҳи: Андижон вилояти, Ленин райониди Мукаррамжон Олимов номи 27-ўрта мактаб.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ, О. СИДИҚОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

1991 йил 21—29 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ХАЛҚ ХўЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КўРГАЗМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КўРГАЗМА КОМПЛЕКСИ АСОСИЯ ҚУРИЛИШ ПАВИЛЬОНИДА ХИНДИСТОН САВДО КўРГАЗМАСИ ўТКАЗИЛАДИ

Кўргазмани: бизнесменлар ва мутахассислар иш кунлари соат 10 дан 13 гача; барча ҳоҳловчилар эса соат 14 дан 18 гача, шанба ва якшанба кунлари соат 10 дан 18 гача бориб кўришлари мумкин. Кўргазмада давлат ва хусусий секторга қарашли етакчи ҳинд компанияларининг саноат маҳсулотли ва технологияси намойиш этилади. Тошкентда 10 кун мобайнида иш олиб борадиган кўргазмада раҳбарлик бўғинидаги мутахассислар хизмат сўзлашувларини ўтказадилар, шунингдек, технология ҳамкорлик ва қўшма корхоналар муаммоларини муҳокима қиладилар.

Агар сиз ишбилармон еки бизнесмен бўлсангиз — бу кўргазма сиз билан хиндистонлик ишбилармон шеригингиз учун муваффақиятга эришиш имкониятидир. Қўндаги бўлимлар кўргазмада намойиш этилади: машинасозлик, электроника, компьютерлар, уй-рўзгор буюмлари, доришунослик ва пардоз-андоз буюмлари, чарм буюмлар, тўқимачилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва истеъмол моллари, лойиҳавий-маслаҳат хизматлари ва ҳоказолар. Кўргазма: Ҳиндистон Савдо Ярмаркалари Бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо ва саноат палатаси томонидан ўтказилади. Мулоқат телефонлари: 39-11-80, 39-11-87, 34-40-51.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИЯ БИЛИМГОҲИ ЗООЛОГИЯ ВА ТИББИЕТ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ БУИИЧА

БУШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: одам ва ҳайвон физиологияси (биология ва тиббиёт фанлари номзоди) ва зоология (биология фанлари номзоди); катта ўқитувчилар (3): тиббиёт фанларининг асослари (тиббиёт фанлари номзодлари ёки камда 5 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган малакали мутахассислар). ТАНЛОВ МУДДАТИ — 27 СЕНТЯБРГАЧА. Қўндаги манзилга мурожаат қилинсин: 702500, Ангреш шаҳри, 48-мавзе, 1 кўч.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР, БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ, МУЛҚЧИЛИКНИНГ БАРЧА КўРИНИШИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

«Инфобизнес» фирмаси билан ҳамкорлик СизГА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ, ўЗ КУЧИНИГИЗГА ИШОНЧ ТўғДИРАДИ! Мустанқил брокерлар хизматига ҳақ тўлашининг энг мақбул шартлари. Буюмлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифларга доир энг шоишлик ахборотлар. Буюмлар ахборот банки сизнинг хизматингизда. Тижорат ахборотларини ахборотлар банкига жойлаштириш учун буюртмалар қабул қилинмоқда. «ИНФОБИЗНЕС» ҲАМИША ХИЗМАТИНИГИЗГА ТАЙЕР!

Манзилгоҳимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кўчаси, 11-ўй. Телефонлар: 77-56-17, 77-11-11, 77-87-34. Телефакс: 77-11-11.

ТОШКЕНТ АХБОРОТЛАР МАРКАЗИ. «СОУЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

19, 24 сентябрь кунлари соат 19.00 да Азиз НЕСИН асари. Топир ИСЛОМОВ таржимаси.

ЖОНИМНИ ОЛ, ЖОНГИНАМ

(якни пардали трагикомедия) СПЕКТРАКЛИНИНГ ПРАМЬЕРАСИ Саҳнашартларчи режиссёр — Сергей КАПРИЕЛОВ. Рассом — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Убайдулла САЙДАЛИЕВ. РОЛЛАРДА: СССР Халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг совриндори — Наби РАҲИМОВ. Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза мукофотининг совриндори — Яйра АБДУЛЛАЕВА. Ўзбекистон халқ артисти — Эркили МАЛИКБОЕВА. Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинади. Телефонлар: 44-24-47, 44-17-57. КАССА СОАТ 10 ДАН ОЧИҚ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИНИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕАТР» Республика ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «БУХОРЧА» ТЕАТР-СТУДИЯСИ ТУГАТИЛДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қўндаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 11-ўй.

В. САФИУЛОВ, милиция подполковник.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фирмининг ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта кўриш ва иккинчи адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳўйи, назария ва мафрура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 33-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-67-20, 32-53-15, 32-53-70; итисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; бешатиш — 32-57-22. ЎЗ МЎХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулнстонда — 2-63-48, Жинзақда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХўЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИҚМАТОВ.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ. Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5984. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.30. № 183.